Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 230 (8220). ● 3 декабрь, 1983 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли СССР 60 йиллиги номидаги Андижон ип-газлама комбинати, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, КПСС XXV съезди номидаги Наманган аврли газламалар шойи комбинати, Қўқон пойабзал фабрикасининг социалистик мажбуриятлари тўғрисида» 1983 йил 20 октябрда қабул қилган қарорида уқтириб ўтиладики, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумларда сўзлаган нутқларида таъкидланганидек, ўн биринчи беш йилликда саноат олдида турган бош масалалардан бири аҳоли эҳтиёжидаги кенг истеъмол молларн ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашдан иборатдир.

Область меҳнаткашлари янги техника ва илғор технологияни, фан-техника ютуқларини барча саноат ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш вазифасини асосий иш программаси деб қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган республикадаги бир қатор корхоналар ташаббусини Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси, Олмалиқ гилам фабрикаси коллективлари ҳам қизғин қўллаб-қувватладилар. Улар шу ташаббусга қўшилиб 1984—1985 йиллар давомида юқори сифатли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Область партия комитети Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси, Олмалиқ гилам фабрикаси коллективларининг юқори сифатли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Шаҳар, район партия комитетларига, саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотларига республика илғор корхоналари ва Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси, Олмалиқ гилам фабрикаси коллективларининг ташаббусларини кенг ёйиш, коммунистлар, барча меҳнаткашлар куч-ғайратини юқори сифатли халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар томонлама кенгайтиришга ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга сафарбар этиш тавсия қилинди.

Область, шаҳар, район газеталари, область телевидение ва радиоэшиттириш редакцияларига илғор коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва пешқадамлари тажрибасини кенг тарғиб этиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва улар сифатини яхшилаш юзасидан меҳнаткашларнинг ижодий активлигини оширишга кўмаклашиш топширилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида мамлакат ички ва ташқи сиёсатига доир бир қанча масалаларни муҳокама қилди.

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг саноат корхоналарида ва бирлашмаларда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини ривожлантириш юзасидан Сиёсий бюро қарорига мувофиқ тайёрлаган таклифлари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Шу мақсадда ишдий рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилди. Бригадаларда меҳнат коллективлари ишининг юксак пировард натижаларига эришишга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялашга, ҳар бир ходимнинг ижодий қобилиятларини намоён этишга қаратилган мусобақани ривожлантириш соҳасида корхоналар раҳбарларининг ва касаба союз комитетларининг вазифалари белгиланди.

Шу масала юзасидан қабул қилган қарорнинг ва СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС қарорининг баёни матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюронинг мажлисида қишлоқ хўжалик солиғи тўғрисидаги ва шу солиқ солинишн муносабати билан Ватан уруши инвалидларига ва бошқа баъзи категориядаги гражданларга бериладиган енгилликларни кенгайтириш ҳақидаги қонунларни янада такомиллаштириш йўллари белгиланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси СССРнинг ҳаво кодекси қоидаларини амалга оширилиши муносабати билан ўтказган тинглаб, маъқуллади.

ОҚ ОЛТИН-ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 2 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

БЎКА	0,02	110,82	106,52
КОММУНИСТИК	0,03	109,38	110,19
БЕКОБОД	0,03	105,67	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,03	105,52	109,13
ЧИНОЗ	0,03	103,61	79,58
ПИСКЕНТ	0,01	103,40	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,02	102,83	85,65
ЯНГИЙЎЛ	0,10	100,87	85,39
Ғалаба	0,04	93,49	69,40
Область бўйича	0,03	103,91	87,75

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йилнинг 1 декабригача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Ғалаба районига (район партия комитетининг секретари Толипов, район ижроия комитетининг раиси Бойназаров, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Рашкова, район комсомол комитетининг секретари Анорбоев, РАПО Совети раисининг ўринбосари Ковалев ўртоқлар). Бу районда 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда юксак суръат таъминланган, ўн кунлик топшириқлар қуйидагича бажарилган: кўп йиллик ўтлар илдизини механизация ёрдамида тозалаш — 100 процент, бегона ўтларга қарши гербицид сепиш — 111 процент, шудгор олдидан минерал ўғитлар солиш — 100 процент, кузги шудгор — 187 процент, органик ўғитлар солиш — 100 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш — 103 процент, шу жумладан ҳайдов тракторлари — 100 процент, юлқитор-дренаж тармоқларини тозалаш — 400 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш — 100 процент.

Байроқ Коммунистик районидан олиб берилади.

Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш-техника жиҳатидан таъминлаш Чиноз район бирлашмасига (бошқарувчиси Араббоев, партия ташкилотининг секретари Деревянко, касаба союз ташкилотининг раиси Йўлдошев, комсомол ташкилотининг секретари Қодиров ўртоқлар). Бу бирлашмада ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш топшириғи 117 процент, шу жумладан ҳайдов тракторларини ремонт қилиш 125 процент, пахта териш машиналарини ремонт қилиш 127 процент бажарилган.

Саноат-граждан қурилиши трестига қарашли кўчма колоннасига (бошлиғи Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Дадабоев, касаба союз ташкилотининг раиси Пак, комсомол ташкилотининг секретари Татарчинская ўртоқлар). Бу кўчма колоннада янги ерларни ўзлаштириш топшириғи 100 процент, ерларни капитал текислаш топшириғи 160 процент, суғориш шахобчаларини тозалаш топшириғи 100 процент бажарилган.

1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда Ғалаба, Ўрта Чирчиқ, Бўстонлиқ ва Оржоникидзе районларида, «Госкомсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмасида, «Паркентводстрой» трестининг биринчи махсус механизациялашган кўчма колоннасида, «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 5-механизациялашган кўчма колоннасида яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Янгийўл, Оққўрғон, Тошкент, Паркент районларида, «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги участкасида, саноат-граждан қурилиши трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннасида 1984 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ғалаба ва Калинин районларига, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш-техника жиҳатидан таъминлаш Чиноз райони бирлашмасига, саноат-граждан қурилиши трести 4-механизациялашган кўчма колоннасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

СЎНГГИ ЧАНОҚҚАЧА

● **БЎКА. «Партия XIX съезди» колхозида Худойберди Абдужабборов бошчилигида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси бир неча йилдан буён меҳнат қилиб келади. Бу коллектив райондаги Гоголь номли мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган. Ўтган куни комсомол-ёшлар зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини хўжаликда илғорлар қатори бажардилар. 79 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,3 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Она-Ватанга 318 тонна хом ашё етказиб берилди.**

ЯНА ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

● ОҚҚЎРҒОН. Республикамизнинг олти миллион тонналик улкан хирмонини тезроқ уйишга ўзларининг муносиб улушларини қўшишга астойдил ҳаракат қилаётган «Ленинизм» колхозининг Турлибек Яхшибоев бошлиқ бригадаси аъзолари зиммага олинган оширилган мажбуриятларини ҳам бажаришди. Шу кунгача мавжуд 160 гектар пахта майдонидан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу йил бошида кўзда тутилган мажбуриятдан 5 центнер кўпдир. Пахтанинг 80 процентн биринчи сортларга топширилиб, 90 процентга яқини машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Механик-ҳайдовчилардан Исоқ Темирбоев ва Қуттибой Дўсимбетовларнинг бу ютуққа қўшган ҳиссалари салмоқли бўлди. Уларнинг ҳар бири «зангори кема» бункеридан хирмонга 150—160 тоннадан пахта тўкишди.

Айни кунларда бригада далаларида «оқ олтин»нинг сўнгги мисқоллари йиғиштириб олинмоқда.

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

● БЕКОБОД. Очилбой Деҳқонов бошчилик қилаётган бригада Ойбек номли совхозда илғорлардан саналади. Миришкорлар 1983 йилда ҳам баракали меҳнат қилишди. Куни кеча улар социалистик мажбуриятларини бажардилар. 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,2 центнердан, жами 378 тонна хом ашё йиғиштириб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ҳосилнинг 90 процентн биринчи сортга топширилди. Бригаданинг чевар теримчилари Ханифа Алфиева ва Нахалой Раҳмоновалар айниқса, унумли меҳнат қилишди. Улар шу кунгача 8—10 тоннадан пахта териб тўкдилар. Коллектив аъзолари яна 5 тонна «оқ олтин» териб топшириш мақсадида меҳнат қилишяпти.

37 ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ

● **БЕКОБОД. «Далварзин» совхозининг Абдумутал Халилов бошлиқ 1-бўлими пахтакорлари мажбуриятларини бажаришди. Шу кунгача мавжуд 595 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлатга 2100 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ҳар гектар ердан 55 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга эришган Бобохон Отахонов бошлиқ бригада заршуносларн бўлим ютуғига муносиб улушларини қўшишди. Шунингдек, бўлим деҳқонларига Тошкент шаҳар Ленин райони ишчи-хизматчиларидан тузилган 100 кишилик ҳашарчилар бригадаси аъзолари ҳам ҳосил йиғим-теримида яқиндан ёрдам беришяпти. Улар томонидан 120 тонналик хирмон уйилди.**



МОСЛАМА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАЧ

Ғазалкентдаги тошга ишлов бериш комбинати коллективи ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, техникани тараққий эттиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши тоштарошлар иши натижасининг салмоқли бўлишига олиб келмоқда. Шу туфайли ҳам комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 8,5 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги ҳам анча ортди.

Коллектив эришаётган бундай ютуқларда корхона рационализаторлари ва ихтирочиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар асбобускуналар унумдорлигини ошириш, материалларни тежаб-тергашга қаратилган таклифлар билан чиқмоқдалар.

Йил бошидан бери ўндан ортиқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари тушди. Уларнинг кўпчилиги амалга оширилди. Натижада анчагина миқдордаги давлат маблағини тежаб қолиш имкони туғилди.

Айниқса, мармарни сайқаллаш мосламасини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган таклиф жуда қимматлидир. Илгари «ЛАУ-8» станогида бундай мосламалардан 1100 дона фойдаланилар эди. Новаторлар ана шу мосламаларни бакелит аралашмасидан тайёрлашни таклиф этдилар. Уни амалга ошириш яхши самара берди. Мармарга ишлов беришда бундай мосламалардан 400 дона фойдаланиш кифоя қиладиган бўлди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини ошириш билан иш сифатини ҳам яхшилайди. Биргина шу янгиликнинг жорий этилиши туфайли ҳар йили комбинат 16 минг сўмдан кўпроқ самара олади.

Р. АБДУРАШИДОВ,
Бўстонлиқ район.

ПРОПАГАНДАНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН

Идеология ходимларининг 1 декабрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлаган семинари ҳозирги шароитда пропаганда ишининг актуал проблемаларига бағишланди. Икки кун давомида семинар қатнашчилари — республика журналистлари, партия ва совет ходимлари, ижодий союзлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозирги босқичда, бутун пропаганда ишини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни муҳокама қилдилар.

Оммавий ахборот воситаларининг, бутун идеология ташкилотларининг фаолияти партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларининг талабларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари ва тавсияларига мос бўлиб тушиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар иштирокчилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини кенг омма ўртасида тушунтиришга доир ишлар тажрибасини ўртоқлашдилар, буржуа идеологиясига қарши курашни кучайтириш учун пропагандани барча форма ва воситаларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Семинар ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Э. И. Лисавцев, А. Г. Кузнецов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

● **КОММУНИСТИК районидаги «Ленинский путь» колхозининг пахтакорлари бу йил 1152 гектар майдонда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозиргача ҳар гектар ердан пландаги 35 центнер ўрнига 40,5 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Хўжаликнинг бу ютуғига И. Маматов етакчилик қилаётган 13-бригада коллективи катта ҳисса қўшди. Суратда: бригада бошлиғи И. Маматов (чапда) механизатор А. Рисқулов билан пахта сифатини кўздан кечиришяпти.**

А. Мальцев фотоси.

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 1 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:

«Коммунизм»	137,81	146,13	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	131,05	138,04	Бўка
Фрунзе номли	129,58	134,88	Бўка
«Партия XIX съезди»	126,20	122,25	Бўка
«Ленинизм»	125,36	121,98	Бўка
«Политотдел»	123,14	128,15	Коммунистик
Ленин номли	120,39	94,55	Бекобод
«Победа»	119,98	100,28	Ғалаба
Свердлов номли	119,81	101,73	Пискент
«Ленинизм»	117,89	145,61	Оққўрғон
«Ленинский путь»	115,40	119,51	Коммунистик
«Коммунизм»	113,82	85,31	Янгийўл
Навоий номли	113,31	174,73	Оққўрғон
Охунбобоев номли	112,95	113,91	Ўрта Чирчиқ
Ҳамза номли	112,77	110,57	Бўка
Тимирязев номли	111,83	116,93	Бўка
Ленин номли	111,80	79,00	Янгийўл
«Ленинобод»	111,19	106,11	Бўка
Навоий номли	111,16	91,68	Чиноз
«Коммунизм»	111,06	72,49	Ўрта Чирчиқ
Икромов номли	109,81	104,05	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	109,63	74,80	Пискент
«Ленинград»	108,77	72,34	Ғалаба
Жамбул номли	107,74	105,15	Бўка
Энгельс номли	107,29	77,42	Ғалаба
«Коммунизм»	107,20	76,25	Оққўрғон
Охунбобоев номли	107,12	96,39	Чиноз
«Ленин йўли»	106,85	114,13	Ўрта Чирчиқ
Мичурин номли	106,38	99,68	Бўка
Куйбишев номли	106,28	112,88	Ўрта Чирчиқ
«Партия XXII съезди»	106,20	62,98	Ўрта Чирчиқ
«Октябрь 40 йиллиги»	106,17	82,29	Чиноз
Калинин номли	106,13	91,88	Пискент
«Узбекистон ССР 30 йиллиги»	106,05	100,00	Чиноз
Энгельс номли	105,72	77,21	Ўрта Чирчиқ
К. Маркс номли	105,48	91,40	Чиноз
Свердлов номли	105,41	59,58	Ўрта Чирчиқ
Охунбобоев номли	104,91	106,35	Оққўрғон
Ильич номли	104,74	103,17	Бўка
«Узбекистон»	104,67	100,36	Коммунистик
«Партия XXI съезди»	104,21	106,50	Янгийўл
«Правда»	104,13	110,02	Коммунистик
«Ленин йўли»	103,92	94,12	Бўка
«Победа»	103,84	27,11	Бекобод
«Партия XX съезди»	103,54	95,37	Бўка
Вотинцев номли	103,44	83,71	Оққўрғон
Навоий номли	103,33	25,17	Бекобод
«Коммунизм»	103,05	64,23	Бекобод
Дзержинский номли	102,66	86,99	Бекобод
Ленин номли	102,58	100,91	Ўрта Чирчиқ
«Озод»	102,55	101,22	Оққўрғон
Терешкова номли	102,30	78,99	Ўрта Чирчиқ
«Қизил Октябрь»	102,09	92,78	Чиноз
Калинин номли	101,95	88,00	Янгийўл
«Заря коммунизма»	101,91	110,18	Ғалаба
Энгельс номли	101,50	32,48	Чиноз
К. Маркс номли	101,48	81,40	Коммунистик
Свердлов номли	101,41	99,84	Коммунистик
«СССР 60 йиллиги»	101,29	100,44	Янгийўл
Куйбишев номли	101,27	101,37	Оққўрғон
«Гулистон»	100,94	72,90	Пискент
«Узбекистон ССР 50 йиллиги»	100,73	74,24	Пискент
Ниёзов номли	100,69	86,06	Янгийўл
«Ленинобод»	100,38	84,25	Оққўрғон
К. Маркс номли	100,22	91,04	Бўка
Ким Пен Хва номли	100,20	76,93	Ўрта Чирчиқ
Ленин номли	100,08	73,50	Пискент
К. Маркс номли	100,06	94,82	Ўрта Чирчиқ
Ҳ. Олимжон номли	99,63	103,07	Оққўрғон
Киров номли	96,27	52,34	Ғалаба
Киров номли	94,46	65,14	Чиноз
«Москва»	93,75	82,22	Чиноз
«Ленинизм»	90,44	86,50	Янгийўл
«Интернационал»	90,09	85,69	Янгийўл
Турсунқулов номли	89,98	58,76	Янгийўл
Димитров номли	88,98	57,29	Ғалаба
«Партия XXII съезди»	88,54	78,96	Оққўрғон
Ҳамза номли	88,04	60,48	Ғалаба
«Москва»	86,67	54,05	Ғалаба
«Северний маяк»	85,13	43,79	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	82,31	83,34	Ғалаба
Ленин номли	81,32	87,95	Ғалаба
Тельман номли	69,19	41,13	Пискент

СОВХОЗЛАР:

Сегизбоев номли	110,05	126,61	Оққўрғон
«Партия XXVI съезди»	107,91	65,58	Пискент
«Оққўрғон»	107,71	116,60	Оққўрғон
«Ленинград»	107,59	52,67	Бекобод
Мавлонов номли	106,05	96,85	Бекобод
«Партия XXIV съезди»	105,93	0,92	Чиноз
«Партия XXV съезди»	105,77	83,59	Бекобод
«Далварзин»	105,61	89,02	Бекобод
Колпакова номли	105,55	50,78	Бекобод
Бўка техникуми ўқув хўжалиги	104,44	77,14	Бўка
«Пискент»	103,35	34,87	Пискент
«Узбекистон ССР беш йиллиги»	103,18	77,24	Ғалаба
«САМИС»	102,80	105,50	Янгийўл
«Бўка»	101,63	85,53	Бўка
«Авангард»	101,36	74,25	Бекобод
«Кўкорол»	100,60	93,06	Бўка
Ойбек номли	100,03	92,55	Бекобод
«ТИИИМСХ»	100,03	85,97	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	81,21	50,30	Ғалаба
Киров номли	80,20	43,15	Ғалаба

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЖАНГОВАР БЎЛСИН

КОММУНИСТИК

Коммунистик район партия конференциясида хўжаликка раҳбарликни такомиллаштириш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, коммунистлар активлигини ўстириш бўйича ҳисобот даврида тўпланган тажрибаларга алоҳида эътибор берилди. Район меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб ҳисобот даврида она-Ватанга планга қўшимча равишда 8 минг тонна пахта, 8,5 минг тонна каноп пояси, кўплаб ғалла, сабзавот, картошка ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб беришга муваффақ бўлдилар.

Бу йилги қийин шароитда ҳам район пахтакорлари ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Улар гектар бошига 38 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олдилар. Айниқса, «Политотдел» колхози аъзолари эришган ютуқлар кўлами кенг бўлди. Мавжуд 1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44,5 центнердан пахта ҳосили олинди. «Ленинский путь», «Правда» колхозлари коммунистлари ҳам район пахтакорлари эришган ютуққа муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳисобот даврида район партия ташкилоти ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашга алоҳида эътибор берди. Механик-ҳайдовчилар тайёрлаш ва улар маҳоратини ошириш йўлида зарур чоралар кўрилди. Шу боисдан ҳам бу йил машина терими плани 110,2 процент адо этилди. А. Курмашов, А. Хван, Т. Ортиқов, З. Бурхонов каби механик-ҳайдовчилар район бўйича уйилган катта хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳар бири машина бункеридан 185—190 тоннадан «оқ олтин» тўкди.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати кўрсатаётган ғамхўрлик туфайли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш ва интенсив ривожлантиришда катта қадамлар ташланди. Олдинги беш йилликка нисбатан бу беш йилликнинг ўтган даври мобайнида меҳнатни энергия билан таъминлаш 110 процент ўсди. Колхозларнинг ўртача йиллик даромади қарийб 48 миллион сўмликни ташкил этди. Колхозчиларга ҳақ тўлаш 1 миллион 222 минг сўмга кўпайди.

Қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағ ҳажми ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Ишлаб чиқариш ва социал маданий объектлар қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Конференцияда ҳисобот докладини қилган район партия комитетининг биринчи секретари У. М. Мирзақулов, музокарада сўзга чиққан Свердлов номли колхоз партия комитетининг секретари М. Саидазимов, «Политотдел» колхози раиси Т. Хван, У. Юсупов номли совхоз директори С. Аҳмедов ва бошқа делегатлар эришаётган ютуқлар ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишлар самараси эканлигини таъкидладилар. Дарҳақиқат, район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари иш услуби ва методи анча такомиллашди. Тарбиявий ишда турли формалардан самарали фойдаланилди. Район партия комитети бюро мажлисларида илғор тажрибаларни ўрганиш ва пропаганда қилишга, хўжалик раҳбарлари, партия ташкилоти секретарлари ҳисоботларини тинглашга алоҳида эътибор берилди. Бу тадбирлар ҳар бир коммунистнинг топширилган иш учун масъулиятини янада оширишга ёрдам берди.

Конференцияда район партия комитети ишидаги яна кўпгина ижобий томонлар тилга олиб ўтилди. Айни пайтда ҳисобот даврида бажарилмай қолган вазифалар кескин танқид ҳам қилинди. Хўжаликларда пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича резервлардан ҳали тўла фойдаланилмаяпти. Бу камчилик кўпроқ Свердлов номли, К. Маркс номли колхозларда кўзга ташланмоқда. Бу хўжаликларнинг партия ташкилотлари ҳосил тўплаш пайтида ишчи ва техника кучидан самарали фойдаланиш чораларини кўрмади. Агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилмади.

Бу йил 8 та бригада давлат планини бажара олмади. 52 та бригадада эса районнинг ўртача даражасидан паст ҳосил олинди. Агарда шу коллективлар ҳам белгиланган марраны эгаллаганларида давлатга яна 2 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилган бўлар эди.

Конференцияда жамоат чорвачилигини ривожлантириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Партия ташкилотлари кўрган зарур чоралар туфайли давлатга планга қўшимча равишда 1278 тонна гўшт, 1252 тонна сут, кўплаб тухум етказиб бериш имкони яратилди. Лекин шунга қарамай Свердлов номли, «Ленинский путь» колхозларида ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори камайиб кетганлигини қандай баҳолаш мумкин. «Ўзбекистон» колхозида эса маҳсулот етиштириш суръатини ошириш бўйича белгиланган тадбирлар муттасил бажарилмай келяпти. Районда қўй, эчкиларни кўпайтиришга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бу соҳадаги нуқсонларни делегатлар қаттиқ танқид қилдилар.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўрта звено кадрларининг роли каттадир. Лекин уларни тарбиялашга, муқим ишлаб қолишларини таъминлашга ҳамон эътиборсизлик билан қаралаётганлиги конференцияда таъкидлаб ўтилди. Масалан, Свердлов номли колхозда кейинги икки йил давомида пахтачилик бригадаларининг 8 раҳбари, уч участка мудири, икки участка механиги, бош агроном, механизация бўйича бош инженер ўзгартирилди. Лекин бу ўзгаришлар кутилган натижаларни бермаяпти.

Районда ўрта звено раҳбарларидан атиги 77 киши олий ва ўрта махсус маълумотлидир. Ваҳоланки, бу участкаларда 186 киши раҳбар бўлиб ишламоқда. Хотин-қизларни тарбиялаш ва раҳбарлик ишларига кўтаришга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида олиб борилаётган идеологик, оммавий-сиёсий ишлар атрофлича муҳокама қилинди. «Политотдел», «Ленинский путь» колхозларида ташкил этилган маданий комплекслар тарбиявий ишларни жонлантиришга катта ёрдам беряпти. Лекин ҳамма жойда ҳам идеология ишларига замон талаблари нуқтаи назаридан қараляпти, деб бўлмайди. Ҳали ҳам хўжакўрсин учун тадбирлар ўтказишга чек қўйилмаган. Тарбиявий ишга комплекс ёндошув шу куннинг талаби эканлигини ҳар бир идеология ходими яхши тушуниб етмоғи керак. Бинобарин, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми бизни омма орасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишларни бутун чоралар билан кучайтиришга, кадрлар маҳоратини, тадбирлар самарадорлигини оширишга даъват этмоқда.

Қишлоқ жойларида дала шийпонлари оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиладиган марказга айланиши керак. Ҳозир районда 126 та далачилик бригадаси бор. Лекин улардан фақат 84 таси ўз дала шийпонига эга. Кейинги уч йил давомида колхоз ва совхозларда атиги 15 та дала шийпони қурилди, холос. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари тарбиявий ишда дала шийпонлари ролини бутун чоралар билан оширишлари керак. Токи, ҳар бир шийпон оммавий-сиёсий ишлар марказига айлансин.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг яқинда матбуотда эълон қилинган Баёнотини чин юракдан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар. Жаҳонда тинчликни сақлаб қолиш учун ҳамма баб-баробар курашмоғи керак. Бу соҳада Совет ҳукумати ўтказаётган адолатли сиёсат миллионлар эътиборини қозонмоқда.

Конференцияда район партия ташкилоти ревизия комиссияси раиси С. Назаровнинг ҳисобот доклади ҳам тингланди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудири Г. В. Архангельский иштирок этди.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область XXI партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Коммунистик район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **У. М. Мирзақулов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **И. И. Салимов** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Н. А. Кузнецова** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

В. ЯСТРЕБКОВ,
Ж. НОСИРОВ.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ — УМУМХАЛҚ МУЛКИ

БЎКА

Ҳозирги пайтда район партия ташкилоти ҳисобида 2286 коммунист бор. Бу — ғоятда катта куч, албатта. Район партия комитети коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда уларнинг активлиги, ташаббускорлигига таянмоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг доимий диққат марказида бўлиб келди. Партия ички демократияси янада ривожланди. Хотин-қизларнинг хўжалик ва жамоат ишларини бажаришдаги активлиги анча ортди. Комсомолга раҳбарлик такомиллашди. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлашга қаратилган амалий чоралар кўрилди.

Конференцияда район партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий иш тажрибалари умумлаштирилди. Район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломовнинг ҳисобот доклади ва музокарада қатнашган нотиқларнинг сўзларида бу тажрибаларнинг амалий натижалари оммалаштирилиши, янада бойитилиши, партиявий иш услубини бундан буён ҳам такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди.

Район эришаётган ютуқларнинг кўлами кенг, салмоғи эса залворлидир. Саноат, транспорт, алоқа соҳасида планлар ва мажбуриятлар ошириб бажарилмоқда. Ободончилик ишлари кучайтирилди.

Халқ хўжалигининг асосий ва етакчи тармоғи пахтачилик, шунингдек, чорвачиликда катта ютуқлар қўлга киритилди. Район ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили якуни бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, 1982 йил якуни бўйича эса республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроқларини олишга сазовор бўлди. Шунингдек, бўкаликлар 1982—1983 йил қиш фаслида чорва қишловини ўтказиш, маҳсулот етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирландилар.

Уч йил давомида пландан ташқари давлатга 35380 тонна пахта, 2626 тонна дон, 27800 тонна мева-сабзавот, 2096 тонна гўшт, 5706 тонна сут, олти миллион донага яқин тухум, 80,8 тонна пилла, 94 тонна жун сотилди.

Пахтачиликда ишларни илмий асосда ташкил этиш, агротехника тадбирларини амалга оширишга ижодий муносабатда бўлиш, ниҳоятда оғир келган бу йилги шароитда ҳам қийинчиликларни мардона енгиш, «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш, план ва социалистик мажбуриятларни областда биринчилар қаторида бажариш имкониятини берди. Она-Ватан бўкаликлардан ҳозиргача 73300 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу — пландагидан 7100 тонна кўпдир. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 33,8 центнерни ташкил этди.

Райондаги 5 та хўжаликда гектаридан 40—46 центнердан ҳосил олинди. 46 та пахтачилик бригадасида ҳосилдорлик 45—52 центнерга тўғри келди. Давлатга топширилган ҳосилнинг 82,6 проценти машиналарда териб олинди.

Районда қишлоқдаги зарбдор фронт — чорвачиликни ривожлантиришга партиявий раҳбарлик кучайтирилди. Ҳисобот даврида колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш 1980 йилга нисбатан 38,5 процент, сут соғиб олиш 12,8 процент, тухум олиш 37,6 процент кўпайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорини бажариш юзасидан бир мунча ишлар қилинди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ютуқларни қайд қилиш билан бирга қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳали талайгина резерв ва имкониятлар бой берилаётганлигини, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар борлигини мисоллар билан айтиб ўтдилар. «Кўкорол», «Бўка» совхозларида, К. Маркс номли колхозда ҳосилдорлик камайиб кетди. Мазкур хўжаликлар ва райондаги 276 бригададан 105 тасида ҳосилдорлик район кўрсаткичидан паст бўлди. Агар улар ҳам ҳосилдорликни район даражасига етказганларида эди, қўшимча 5402 тонна пахта олинар эди. Пахтачиликда имкониятлар қўлдан бой берилаётган хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам камайиб бормоқда.

Сабзавот ва мева етиштиришни кўпайтиришда ихтисослаштирилган «Гулистон» совхози катта роль ўйнамоқда. Лекин бу соҳада ҳам ҳали амалга ошириладиган ишлар кўп. Мева, узум, полиз, сабзавот етиштиришни кўпайтиришга ўгай кўз билан қарамаслик керак. Маҳсулот сифатини яхшилаш зарур.

Янги ерларни ўзлаштириш — экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш — ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Афсуски, бу соҳада ҳал этилиши зарур муаммолар бор: «Кўкорол» массивининг ўзлаштирилиши ниҳоясига етказилмаётир. Бу ишда, албатта, республика Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги министрликлари ва Ўзбекистон сув қурилиши Давлат комитетининг амалий ёрдамлари зарур.

Комплекс механизация, коллектив пудратини кенг жорий этиш деҳқончилик, пахтачиликдаги ишларни осон ҳал этиш, етиштирилган ҳосилни четдан ёрдам кучи жалб этмай йиғиб-териб олиш имкониятини бермоқда. «Коммунизм» колхози фаолияти бунга мисолдир. Колхоз бу йил ҳар гектар ердан 47 центнердан хирмон кўтарди.

— Бу йил хўжалик тарихида биринчи марта мактаб ўқувчиларини теримга жалб этмадик, — деди колхоз раиси С. Саймоқов. — Коллектив пудратининг қудрати бунда яққол намоён бўлди.

Тимирязев номли колхозда гарчи план бажарилган бўлса-да, лекин ҳосилдорлик ўтган йилдагига қараганда анча пасайиб кетди. Музокарада сўзга чиққан колхоз партия комитетининг секретари Ж. Мирзаева коммунистларнинг, мутахассисларнинг умумий иш учун, ҳосилдорликни ошириш учун масъулиятини кучайтириш зарурлигини уқтирди. Бу соҳада партия ташкилотларининг режалари нималардан иборат эканлигини гапириб берди.

Ҳисобот даврида районда дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан бир мунча ишлар қилинди. Маккажўхоричиликка ихтисослаштирилган «Кремль» совхози районда етиштириладиган маккажўхори донининг 31,7 процентини бермоқда. Совхоз директори У. Иброҳимов хўжалик деҳқонларининг «каҳрабо дон» ҳосилини кўпайтириш соҳасида тўплаган тажрибалари ва бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида фикр юритди.

Конференцияда ҳар бир хўжаликда гектаридан камида 100—110 центнердан маккажўхори дони, 60—65 центнердан шоли олиш, лалмикор майдонларда етиштириладиган дон ҳосилдорлигини кескин ошириш ва шу асосда СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Музокарада қатнашган делегатлар ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини маъқуллаб, ҳалол меҳнатлари билан Ватанимиз куч-қудратини оширишга сўз бердилар.

Конференцияда область партия комитети бюро аъзоси, область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Х. Умаров нутқ сўзлади.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаев иштирок этди.

Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Т. Исломов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **Х. Йўлдошев** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Ф. Азимхўжаева** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Н. РИХСИЕВ.

ТАРБИЯВИЙ ИШГА ҲАММА ЖАВОБГАР

БЕКОБОД

Бекобод районида халқ хўжалигининг барча соҳалари муттасил ривожланиб бормоқда. Буни конференциядан конференциягача ўтган давр ичида эришилган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йилида ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик бўйича белгиланган топшириқлар муваффақиятли бажарилди, 84 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинди.

Айниқса, район пахтакорлари эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида давлатга 210 минг тонна ёки пландагидан 17 минг тонна кўп пахта сотилди. Ленин номли колхоз, «КПСС XXV съезди», «Далварзин» совхозларида ҳосилдорлик 35—40 центнердан ошди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Рўзиматова, А. Усмонов, илғор пахтакорлар В. Тўхтабоев, Қ. Иброҳимов, С. Абдалиев, М. Ортиқов каби коммунистлар бошчилигидаги коллективлар эса Бекобод райони шароитида 50—60 центнерлик марраны эгаллаш мумкинлигини амалда исботладилар.

— Бироқ сўнгги йилларда айрим хўжаликларнинг раҳбарлари, партия комитетлари ташкилотчилик ишларини сусайтириб юбордилар, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳ. Ҳатамов. — «Ленинград», Ойбек номли совхозларда, «Победа», «Коммунизм» колхозларида пахта ҳосилдорлиги 1980 йилдагига нисбатан 3,5—6,3 центнерга камайиб кетди. Мазкур хўжаликларда ўрта ва қуйи звено раҳбарларига нисбатан доимий ғамхўрлик, кадрларни танлаш, улар билан ишлаш талаблар даражасида эмас. Шунинг оқибатида 1983 йилда 8 та бўлим ва участка, 30 та бригада халқ хўжалик планини бажара олмади. 61 та коллектив район кўрсаткичидан паст ҳосил олди. Агар улар ҳам ўз сўзларининг устидан чиқишганда, давлатга қўшимча пахта топширилган бўларди.

Бундай ташвишли ҳол ғаллачилик, сабзавот-мевачилик, чорвачилик соҳаларида ҳам рўй бермоқда. Сабзавотчилик ва сутчиликка ихтисослаштирилган «Октябрь 50 йиллиги» совхози уч йилдан буён план топшириқларини бажармай келяпти. Ҳар гектар ердан 90 центнердан сабзавот, 193 центнердан полиз маҳсулотлари олинди, холос.

СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш муҳим вазифадир. Лекин «Ленинград», «Авангард», «Октябрь 46 йиллиги» совхозларида, «Коммунизм», Дзержинский номли колхозларда бузоқ олиш, гўштга топширилаётган қорамолларнинг тирик вазни асоссиз равишда камайиб кетмоқда. Колпакова номли совхоздаги ферма ва молхоналар комплекси қурилиши зооветеринария қоидаларига жавоб бермайди. Бу жиҳатдан «КПСС XXV съезди» совхози ва Ленин номли колхоз чорвадорлари тажрибасини кенг қўллаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳисобот даврида «Қолоқларсиз ишлайлик» деган шиор остида иш юритган район саноат корхоналари ишчи-хизматчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Партия йиғилишларида маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир масалалар изчил муҳокама қилиб борилди. Шунинг натижасида ишчилар орасидан кўплаб беш йиллик зарбдорлари етишиб чиқди. «Далварзин» ремонт-механика заводининг илғор слесарлари Қ. Охунов, Б. Нефед, «Далварзин» пахта тозалаш заводи ишчиси А. Поччаев, асфальт-бетон заводи ишчиси А. Йўлдошев, ўрмон хўжалиги ходими М. Имомовлар ана шундай ташаббускорлар жумласидандир. Улар айни пайтда келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Лекин бу илғорлар ишлаётган коллективларда маҳсулотлар ассортименти, ишлаб чиқариш маданияти бир мунча пастдир. Қурилиш ташкилотларида ҳам шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ўз ўрнида партия ташкилотларидан бригада пудратини, комплекс механизацияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни, коллективларда социалистик мусобақанинг ошкоралигини таъминлашни талаб қилади.

Докладчи ҳамда музокарада сўзга чиққан Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳ. Ҳамроқулов, «Меҳнатобод» қишлоқ Советининг раиси У. Давронова, район «Сельхозтехника» бирлашмаси слесари К. Суменков, «Победа» колхози партия комитетининг секретари Ҳ. Турдибоев, район марказий касалхонаси катта ҳамшираси Н. Маннопова ва бошқа делегатлар тарбиявий ишларни кучайтириш, турмуш маданиятини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни чуқур таҳлил қилдилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, район партия комитети ҳисобот даврида идеология ишини яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирларни кўрди. Пленумларда, бюро мажлисларида идеология, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга оид қатор масалалар кўриб чиқилди. Натижада сиёсий ва иқтисодий таълим системаси такомиллашди. Жойларда 77 та марксизм-ленинизм, 25 та илмий коммунизм асослари, 2 та ёш коммунистлар мактаблари, 2 та партия-хўжалик, идеология активлари ўқув курслари иш олиб бораяпти.

Партия қарорларини оммага етказишда, унинг одилона ташқи ва ички сиёсатини тарғиб қилишда 1400 дан ортиқ агитаторлар, 200 сиёсий докладчи ва ташкилотчилар, лекторлар актив фаолият кўрсатмоқдалар. Бу муҳим ишда район «Билим» жамиятининг 800 дан ортиқ лекторлари, Москва ва Тошкент шаҳарларидан таклиф қилинаётган малакали мутахассислар ҳам катта ёрдам беришаяпти.

Район партия комитети оғзаки сиёсий агитация кадрларини тайёрлаш, улар маҳоратини ошириб бориш чораларини ҳам кўраяпти. Ҳисобот даврида 800 дан ортиқ киши область ва районда ташкил этилган курсларда, семинарларда малака оширдилар. Бошланғич партия ташкилотлари бундан буён эскилик сарқитларига қарши курашни кучайтиришлари, замонага мос урф-одатларни ҳаётга татбиқ этишлари лозим. Айниқса, партия сафини сифат жиҳатдан яхшилаш эътиборда бўлмоғи лозим. Ҳисобот даврида коммунистлар сони илғор ишчилар, колхозчилар, актив комсомол-ёшлар ва фаол хотин-қизлар ҳисобига 379 кишига ортди. Шу билан бир қаторда жиддий хатога йўл қўйган ва партия ташкилотлари билан алоқани сусайтириб юборган 31 коммунист партия сафидан чиқарилди. Кандидатлик даврида ишончни оқламаган тўрт киши КПСС аъзолигига қабул қилинмади.

Делегатлар ўз сўзларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг матбуотда эълон қилинган Баёнотини қизғин қувватлаб, фидокорона меҳнатлари билан ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшажакларини изҳор этдилар.

Конференцияда область халқ контроли комитетининг раиси Б. С. Камолов нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли қарор қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Бекобод район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Э. Ҳ. Ҳатамов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **Л. Т. Панченко** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Қ. Қ. Хуррамова** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. ҲАЙДАРОВ.

УСТОЗ ТАБАССУМИ

МАОРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ



САРҒАЙИБ кетган блокнот варақларида Халил Тоҳиров уруш йилларида ортда қолдирган энг муҳим саналар, шаҳарлар, жанг эпизодлари қайд этилган. Уларнинг ҳаммасини батафсил шарҳлаб бўлмайди, барча воқеалар мазмунини бир китобга сиғдириш ҳам қийин. Аммо ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган онлар бўладики, уларни ўрни келганда неча бор тилга олишдан ҳам толиқмайсан киши. Шунинг учун бўлса керак, Ҳ. Тоҳиров кўнгиллилар қатори фронтга отланган куни—1942 йилнинг 6 июнини асло унутмайди. Фронтга чақирилгач, икки ярим ойдан кейин Каттақўрғондаги пулемётчилар билим юртини битиргани, кейинчалик ёш солдатни Москва ўз қучоғига олгани, худди шу йилнинг 25 августида Тихлин шаҳрида душман билан тўқнашгани ҳам ёдида.

Ўзбек ўғлонининг жанговар биографияси сермазмун. Кўксини безаб турган қатор орденлар, ўндан зиёд медаллар ва Бош қўмондонликнинг ташаккурномалари унинг жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

Волхов, Степной, 2-Воронеж фронтларида у шонли йўлни босиб ўтди. Украинанинг Волчанский шаҳрида танкка қарши қирувчи 115-артиллерия полкидаги хизматлари жангчи шуҳратини ошириб юборди. Красноград, Кировград шаҳарларини озод этган бу полк кейинчалик Будапештни немислардан тозалади. Бу ерларда бўлган шиддатли жангларнинг бирида Халил Тоҳиров довюраклик кўрсатди.

...Ангелпарк атрофида ўқлар ёмғири тинмасди. Сал ўтмай душман «тигр»лари парк ёнидаги майдон бўйлаб ўрмалаб қолди. Халил Тоҳиров томи учиб кетган гараж панасига ўтиб, танклардан иккитасини ёндирди. Шу тариқа тўп командирининг кўксида «Иккинчи даражали Ватан уруши» ордени ярақлади.

Украинанинг Ровно шаҳрида, Руминиядаги қатор шаҳарларда бўлган юзма-юз олишувлардаги мардлиги учун партия ва ҳукуматимиз уни икки марта Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун» медали билан тақдирлади. Чехословакия, Австрияни фашист газандаларидан халос этишдаги хизматлари учун Ватанимизнинг турли медалларига сазовор бўлди.

Халил Тоҳиров босиб ўтган жанговар йўл хотиралари унинг педагогик фаолиятида ҳам қўл келмоқда. У пойтахтимиздаги Киров районининг 1-кечки ёшлар мактаби талабаларига фақат математик формулалар эмас, ҳаётий формулалар ҳам борлиги, уларни ҳал этишда эса юксак ирода, садоқат ва меҳрлик зарурлигини тушунтирмоқда.

— Тошкент педагогика институти математика факультетига кириб ўқиётганимда беш фарзанд отаси эдим, муаллимликка иштиёқим кучли эди, — дейди Х. Тоҳиров ўтган йилларни эслаб.

Унинг орзуси ушалди. Мактаб коллективи Халил Тоҳировни ўз фанини пухта билган камтар, заҳматкаш, жонкуяр педагог сифатида ҳурмат қилади.

—Халил ака ёшларнинг меҳрибон муаллимигина эмас, — ҳаммамиз учун у дилкаш мураббий, қувноқ дўст,—дейди мактаб директори Нуриддин Жалолов, — у ғазал ўқиганида ёки қўшиқлар куйлаганида тантанали даврамиз ҳамиша файзга тўлади.

«Уруш Халил ака ҳаётида ўз изини қолдирган. Лекин у инвалид бўлишига қарамай ҳамиша ёшлардек тетик ва тийрак, меҳнатга ҳалол муносабатни биз ундан ўрганамиз». Бу сўзлар мактаб партия ташкилотининг секретари Маҳкам Мансуровга тегишли.

Мактаб ўқитувчиларидан Ҳалима Мираюпова, Жамила Рихсиевалар эса Халил акани устозлари сифатида ҳурмат билан тилга оладилар.

Яқинда мактаб педагогик коллективи фидокор устозни 60 ёши билан қутлади. Қучоғи турфа гулдасталарга тўлган, қалби меҳр ёғдуларидан жўшган Халил Тоҳиров эса майингина табассум билан ҳаммага миннатдорчилик билдирарди...

С. ҲАСАНОВ.

ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАМИЗ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Европа территориясида Американинг қанотли ракеталари жойлаштирила бошланганлиги муносабати билан эълон қилинган Баёнотини республика меҳнаткашлари қизғин маъқулламоқдалар. Ўзбекистонда давом этаётган митингларда уларнинг қатнашчилари ер юзида тинчлик ва хавфсизликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, АҚШ реакцион доираларининг жиноий ниятларини барбод этишга азму қарор берганликларини айтмоқдалар.

— Рейган маъмурияти ва Америка ҳарбийларининг реваншизмдан иборат хатти-ҳаракатлари, уларнинг Европада янги қанотли ракеталарни жойлаштиришга киришаётганликлари барча тинчликсевар инсониятга нисбатан сурбетларча дағдаға бўлди, — деди «Висотстрой» трести коллективининг Тошкентда бўлиб ўтган митингида иқтисодчи Лариса Енгулатова. — «Першинг» ракеталари мамлакатимиз ва иттифоқчиларимизнинг ҳаётий жиҳатдан муҳим марказларига хавф солмоқда. Лекин бизлар термоядро ҳалокатига йўл қўймаймиз. Совет давлати қабул қилган қатъий тадбирлар ҳозирги пайтда энг тўғри тадбирлар бўлиб, биз уларни сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида бўлиб ўтган митингда меҳнат шуҳрати ордени кавалери, металлург Маҳкам Йўлдошевга сўз берилади. У бундай деди:

— Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёноти уруш оловини ёқувчиларга муносиб зарбадир. Баёнотда урушнинг жабру-жафоларини яхши билган барча совет кишиларининг фикр-ўйлари акс эттирилган. Бизнинг авлодимиз бор кучини сарфлаб, қўлга киритган тинчлик туфайли мана қарийб 40 йилдирки осойишта яшаяпмиз. Бизлар планетада тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳеч нарсани аямаймиз.

Митингларнинг қатнашчилари КПСС билан Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатини якдил қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар. Қабул қилинган резолюцияларда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳарбий хавф-хатар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда масъулият ва интизомни оширишни, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшиладиган шахсий меҳнат ҳиссасини кўпайтиришни ўзларининг бурчи деб биладилар.

(ЎзТАГ).

ҳаҳон янгиликлари

ПРИНЦИПИАЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

Совет Иттифоқи тинчликни мустаҳкамлашдан ва қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишдан иборат принципиал йўлга содиқлигини тасдиқлади ва айни вақтда империализмнинг кирдикорларига нисбатан қатъиятли эканини, вужудга келган ҳарбий-стратегик мувозанатни сақлаб қолишга азму қарор берганини намоён этди. Чет эл матбуотида билдирилаётган кўпдан-кўп мулоҳазаларда, турли мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари айтаётган гапларда шу фикр ўз ифодасини топмоқда. Бу арбоблар Ғарбий Европада Американанинг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини жойлаштириш бошланганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов берган Баёнотни ҳали ҳам муҳокама қилмоқдалар.

● ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Германия Демократик Республикаси, Германия Бирлашган Социалистик партияси Совет раҳбарларининг ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотида айтилган қарорларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар. Бу қарорлар АҚШ билан НАТОнинг ҳарбий устунлигига йўл қўймасликка, ҳозир Европада мавжуд бўлган кучларнинг тахминий тенглигини сақлаб қолишга-гина қаратилган, деди ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. Кроликовский. Биз Совет Иттифоқи билан эришилган ядромага биноан ГДРда оператив-тактик вазифаларни бажарувчи ракета комплексларини жойлаштирамиз ва шу тариқа ҳарбий-стратегик мувозанатни сақлаб қолишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

● ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакиядаги «Руде Право» газетаси бутун дунёда Ю. В. Андропов Баёноти хусусида кенг миқёсда жамоатчилик фикр билдирилаётганлиги ҳақида ёзади. Айни вақтда, деб уқтиради газета, Оқ Уй бу Баёнотнинг ҳақиқий маъносини сохталаштириб кўрсатишга, «совет хавфи» деган ҳавойи сийқа гапларни тинимсиз тарқатишга интилаётганлиги ҳеч кимни ажаблантирмайди. Айни СССРдан ҳарбий устунликка эришишга қаратилган АҚШ сиёсати Женева музокараларини давом эттиришга имкон қолдирмаганлиги ва совет раҳбарлари эълон қилган жавоб чораларини зарур қилиб қўйганлиги ҳар бир холис кишига маълум.

● КХДР

Америка империалистлари Европада ўз ядровий ракеталарини жойлаштиришга киришиб, шу райондаги тинчлик ва хавфсизликка путур етказаётган ядро телбаларининг машъум қиёфасини янада кўпроқ фош этдилар, деб ёзади КХДРдаги «Нодон синмун» газетаси. Иккала томондаги ўртача олисликка учириладиган ракеталар сонини уч баравар қисқартириш ташаббуси билан чиққан, яъни Европада атиги 140 тага яқин «СС—20» ракеталарини қолдиришга тайёр эканини изҳор этган СССРнинг амалий таклифларини АҚШ рад этди. Бу ракеталар Англия билан Франциядаги мана шундай ракеталар сонидан анча кам бўлур эди. Американанинг ракеталари жойлаштирила бошлаганидан кейин вужудга келган янги вазият муносабати билан СССР Қўшма Штатларнинг ядро қуролларини кўпайтиришга жавобан тегишли чоралар кўришини айтди. Европа ва бутун дунё халқлари Европада Американанинг ракеталари жойлаштирилишига қарши норозилик билдирмоқдалар, деб таъкидлайди газета.

● АҚШ

Қўшма Штатларнинг ўзида Ғарбий Европада Американанинг ядровий ракеталарини жойлаштира бошлаб, Совет Иттифоқини жавоб чораларини кўришга мажбур этган Рейган маъмуриятининг хатарли урушқоқлик йўлини танқид қилувчи овозлар тобора тез-тез янграмоқда.

Рейган маъмурияти Европадаги ядро қуролларини чеклашга бағишланган Женева музокараларини барбод этиш йўлини қайсарлик билан ўтказиб келди ва шу музокаралар тўхтаб қолганлиги учун батамом айбдордир, деди СҚЧ-1 тўғрисидаги музокараларда қатнашган америкалик дипломат Р. Гартхоф «Виллиж войс» газетасининг мухбири билан суҳбатда. У Европада Американанинг «Першинг» ва қанотли ракеталарини жойлаштириш тўғрисидаги қарорни «ҳеч қандай зарурат тақозо этмаган бемаъни» қарор деб баҳолади.

Ҳозир президент Рейган Ю. В. Андроповнинг Ғарбий Европа территориясида Американанинг ядровий ракеталари жойлаштирилишига жавобан СССР кўрадиган чоралар тушунтириб берилган Баёноти муносабати билан «ташвишланаётганлиги» тўғрисида гапирмоқда, деб ёзади Американанинг таниқли обзорчиси Т. Уикер «Нью-Йорк таймс» газетасида. Хўш, Рейган бошқа нимани кутган эди? Совет Иттифоқи ўз чегаралари яқинида шу ракеталарнинг жойлаштирилишини бемалол кузатиб турмаслигини очиқ-равшан айтган эди. Рейган русларнинг ён беришини ва АҚШнинг СССР чегаралари яқинига ўз ракеталарини жойлаштиришига имкон бериб қўйишини тахмин қилган эди.

● ГФР

ГФРдаги Бремен шаҳрининг бургомистри Г. Кошник «Нюрнбергер нахрихтен» газетасининг мухбири билан суҳбатда НАТОнинг «эпчиллик билан чора кўриш стратегияси» хатарли эканини уқтириб ўтди. Ҳатто бундесвернинг кўпгина намояндалари Европада ҳарбий мозаро чиққан тақдирда Ғарбий Европа мамлакатларининг армияларини Пентагонга бутунлай бўйсундиришни кўзда тутаётган ва шу мамлакатлар учун жуда оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган «АҚШнинг ҳарбий доктринасига тобора кўпроқ ишончсизлик билан қарамоқдалар».

● БРАЗИЛИЯ

Ю. В. Андроповнинг мудофаа соҳасида эълон қилган совет жавоб чоралари АҚШ билан НАТО блокининг агрессив муддаоларини тийиб қўйишга қаратилган, деб таъкидлайди Бразилия демократик ҳаракат партиясининг бош секретари, конгресс депутати Ф. Пинту. Совет Иттифоқи қатъий позицияда туриб Вашингтоннинг Европадаги ядро қуролларини чеклашга бағишланган Женева музокараларидан Европа қитъасида Американанинг янги ракеталарини жойлаштириш режаларини рўёбга чиқариш учун ниқоб сифатида фойдаланишига йўл қўймаслигини намойиш қилди. Бразилия конгрессининг аъзоси Американанинг ракета-ядро қуролини жойлаштиришга имкон бериб қўйган Ғарбий Европадаги баъзи давлатлар ҳукуматларининг позициясини хатарли позиция деб атади.

(ТАСС).

ДАВЛАТ ТУНТАРИШИ ҚИЛИШГА УРИНИШ

ГААГА, 30 ноябрь. (ТАСС). Суринам пойтахти — Парамарибодан олинган хабарларга қараганда, шу мамлакатнинг маъмурлари контрреволюцион давлат тўнтариши қилиш йўлидаги уринишни барбод этганлар. Шу тўнтаришдан кейин бу ерга ёлланган кучлар келтирилиши керак эди.

Жанубий Америкадаги ана шу республика ҳарбий полиция бошлиғининг ўринбосари Мойор Зеэув матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, бу фитна ҳозирги вақтда Голландияда муҳожирликда яшаётган Суринам собиқ президенти Х. Чин А Сен раҳбарлигида тайёрланган эди деб айтди. Фитначилар республикада зўравонлик ва тартибсизлик келтириб чиқармоқчи эдилар. Радиостанция, меҳнат министрлиги ва пойтахт коллеги биноларига ўт қўйиш режалаштирилган эди. Йўқ қилиб ташланиши лозим бўлган суринамлик офицерларнинг рўйхати контрреволюционерларнинг ёнидан топиб олинди. Мойор фитнанинг 10 қатнашчиси қамоққа олинганлигини, улардан уч киши журналист эканлигини маълум қилди. Улар фитнада қатнашганликларини тан олдилар ва ўз олдиларига қўйилган вазифалар ҳақида гапириб бердилар.

Бу эса ўтган йил давомида Суринамда давлат тўнтариши қилиш йўлидаги муваффақиятсиз чиққан учинчи уринишдир.



● БУТУН Канада бўйлаб урушга қарши намойишлар бўлиб ўтмоқда. Уларда иштирок этаётган кишилар «Канадада қанотли ракеталарни синаб кўришга йўл қўймаймиз!», «Канада ядросиз зона деб эълон қилинсин!», «Европада «Першинг»лар ва қанотли ракеталарга йўл йўқ!» шиорлари остида кўчаларга чиқдилар. Суратда: Монреалда бўлиб ўтган 35 минг кишилик намойиш қатнашчиларидан бири ёзилган.

А. Меликян фотоси. (ТАСС).



ҒОЛИБ ҲАШАРЧИЛАР

● ТОШКЕНТ шаҳрининг Фрунзе райони ишчи-хизматчилари «оқ олтин» йиғимтерими бошланган дастлабки кунларданоқ Оққўрғон райони механкашларига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Ҳар бир ҳашарчининг юксак унум билан меҳнат қилишини таъминлашда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳашарчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилган. Ғолиблар Фрунзе район ҳамда Оққўрғон район партия комитетларининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. Сўнгги беш кунлик якуни бўйича бу мусобақада 103-автобаза ишчи-хизматчилари ғолиб чиқишди.

— Биз райондаги «Коммунизм» колхози пахтакорларига теримда ёрдам берямиз, — дейди автобаза касаба союз ташкилотининг раиси Эркин Қобилжонов. — Коллективимизнинг Гўзал Тўрахўжаева, Адҳам Алимов ва Эргаш Солиҳов сингари ҳашарчилари ҳозиргача 1200—1400 килограммдан «оқ олтин» териб бердилар.

Автокорхона коллективи пахтанинг сўнгги мисқолларигача йиғиштириб олишда деҳқонларга кўмаклашадилар.

Суратда: «Коммунизм» колхози касаба союз ташкилотининг раиси Собир Нормatов (ўнгда) 103-автобаза коллективига кўчма вимпел топширмоқда.

П. Эргашев фотоси.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● БЎСТОНЛИҚ район «Билим» жамияти лекторлари Жданов номли, Фрунзе номли колхозларнинг дала шийпонларида ҳамда фермаларда халқаро мавзуга оид қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Лекторлардан А. Дусенов, И. Неъматуллаев, Р. Ваҳобов, Т. Синина, А. Лем кабиларнинг суҳбатлари яхши таассурот қолдирмоқда.

И. ПИРМЕТОВ.

● ПОЙТАХТДАГИ Чилонзор районининг «Мевазор» маҳалласида янги новвойхона қуриб фойдаланишга топширилди. Маҳалла комитетининг ташаббуси билан бунёд этилган новвойхонада «Ташхлеботорг»нинг 5-нон ишлаб чиқариш цехи ишчилари меҳнат қилишмоқда.

А. ЮНУСОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«БЕМОРНИНГ ТАҚДИРИ ШИФОКОР ҚЎЛИДА»

Газетанинг шу йил 2 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Тошкентдаги 1-болалар шифохонасидаги тартибсизликлар, ўз шаънига доғ тушираётган айрим врач ва ҳамшираларнинг кирдикорлари очиб ташланган эди.

Мақола юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. Тўлагановдан жавоб олдик. Хатда айтилишича, танқидий мақола Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинган. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўла тасдиқланган.

Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган шифохона бош врачи И. Тўхтаева, бўлим мудири М. Сафаева, катта ҳамшира Р. Мостова, ҳамширалар М. Жўраева ҳамда М. Сандхўжаевалларга ҳайфсан, врач-ординатор Г. Аҳмедовага қаттиқ ҳайфсан берилди.

Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси юқоридаги камчиликларни ўз вақтида кўрсатганлиги учун редакцияга миннатдорчилик билдиради. Бундай кўнгилсиз ҳоллар такрорланмаслиги учун қўшимча тадбирлар белгиланди.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

5—11 ДЕКАБРЬ

5 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Ҳужжатли фильм. 10.10 — Болалар учун фильм. 11.15 — «Пианиночи Данг Тхай Шонг». 12.20 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Концерт. 16.45 — Киноочерк. 17.05—Ўсмирлар ижоди. 17.35 —«Онамларнинг мактаби». 18.05—Ҳужжатли фильм. 18.55 — Илмий-оммабоп фильм. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 — «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 20.00 — «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — Ёзувчи С. Залигин ижоди саҳифалари. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Бадиий гимнастика бўйича Интервидение кубоги.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Илҳом». 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.10 — Рус тили. 10.30 ва 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.40 — В. В. Маяковский. Шоир ва шеърият ҳақида. 12.10 — «Фан ва турмуш». 13.10 — Табиатшунослик. 13.30 — Ўқитувчига музика сабоғи. 14.30 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 15.00 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 15.30 — Ромен Роллан. Хотиралардан. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Халқ куйлари. 19.00— «Сиз яратган боғ». 19.30—«Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05—«Ушанда ёки ҳозир». Бадиий фильм. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — Телефильмлар. 12.30 — География. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — «Қизиқарли учрашувлар». 18.50 — «Бурчга садоқат». 19.20 — Киножурнал. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Илҳом». 20.30 —«Ахборот». 20.50—Концерт. 21.30— «Время». 22.05 — Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 — «Бурилиш». Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.25—МТ-II. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.40 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Қизил Марья». 1-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Врач маслаҳати. 20.35 — «Ер ва эл». 21.30 — МТ-II.

6 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Мультфильм. 10.25 — «Ўлим архиви». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.55 — Концерт. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 16.35 — Концерт. 17.00 —Қувноқ стартлар. 17.45 —Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.15 — Финляндия телевидениесининг программаси. 19.00 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Телевизион очерк. 19.45 — «Ўлим архиви». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30—«Время». 22.05 — «Санъат усталари». 23.20 — Дунё воқеалари. 23.40 —Спорт ҳафталиги.

МТ-II. 9.00— Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ғаройиб театр. Ҳужжатли фильм. 9.15 ва 10.35 — Музика. 10.05 ва 14.20 — Француз тили. 11.05 —Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 12.05 — «Шахмат мактаби». 13.10 — География. 13.40 — Зоология. 14.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.50 — Уйғониш даври санъати. 15.20 — «Аҳборот». 19.45 — «Ижод саҳифалари». М. Исмоилий. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30— «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Ҳам маҳорат; ҳам илҳом». Телевизион кўрсатув. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.40 — МТ-II. 18.10— Илмий-оммабоп фильм. 18.45 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Келгиндилар». 2-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози меҳнаткашларининг Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри билан учрашуви. 21.00 —Телефильм. 21.30 — МТ-II.

7 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 9.00—«Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.20 —«Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.00 —Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 —«Любовь Яровая». 16.30 — «Горнчилар, қаердасиз». 17.15 — «Фалсафа ва маданият». 18.00 — «Экран дўстларни чорлайди». 18.45 — Спорт ҳафталиги. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30—Мультфильм. 19.45 — «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Спартак» — «Спарта» (Голландия). 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.45 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.35 — Тарих. 12.05— Ота-оналар, Сизлар учун. 13.05 — Телеочерк. 14.15 —Уйғониш даври санъати. 3-кўрсатув. 14.45 — Тарих саҳифалари. 15.35 — «Қишлоқ янгиликлари». 16.35 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — «Макропулос чораси». Фильм-спектакль. Танаффус пайтида (20.25) «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 — «Время». 22.00 — «Ўлим билан олишув». Бадиий фильм. 23.30 — Концерт.

ЎзТВ-I. 11.30—Ботаника. 12.00 — «Сўз кетидан сўз келар». 12.20 — Кинопрограмма. 18.05 — Мультфильм. 18.15 —«Тенгдошларинг ижоди». 18.45 — «Пахта» телевизион комплекс программаси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қалбимиз ҳамиша уйғоқ...» 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30— «Время». 22.00 — «Бугун оламда нима гап?». 22.15 — «Ватангадолар». Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.40 — МТ-II. 18.15 —Ўқитувчи экрани. 18.50 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Ижодий изланиш кишилари. 20.55 — «Кутилмаган қувонч». Телефильм. 21.30 — МТ-II.

8 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 9.00—«Время». 9.40 — «Горнчилар, қаердасиз?». 10.25 — «Ўлим архиви». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.05 — «Саёҳатчилар клуби». 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Музикали кўрсатув. 18.05 — «Шахмат мактаби». 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ куйлари. 19.45 —«Ўлим архиви». Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ҳужжатли экран». 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Концерт.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 13.35 — Испан тили. 10.55 —«Онамларнинг мактаби». 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.35 — Н. А. Некрасов лирикаси. 12.05 — Физика. 13.05 — Тарих. 14.05 — «Бил ва удда ла». 14.45 — «Уйланиш». Бадиий фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.00 —«Коллектив нимага қодир?». 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Фильм-концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Биография факти». Бадиий фильм. 23.15 — «200 йил ўтгач».

ЎзТВ-I. 11.30 — География. 12.00 — Концерт. 12.30 —Зоология. 15.00 — «Агар бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм. 17.55 — «Сўз кетидан сўз келар». 18.15 — «Илм ва амалиёт ҳамкорлиги». 18.45 — Халқаро программа. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Ватан-гадолар». Бадиий фильм. 2-серия. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.30 — МТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.20 — «Ёшлик». 18.50—«Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Бадиий фильм. 4-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.35 —«Ғалла —бойлигимиз». 20.55 — Телефильмлар. 21.30—МТ-II.

9 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Қувноқ стартлар». 10.05 — «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 11.50 — Концерт. 12.15 — Ҳужжатли фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.40 — «Рус тили». 17.15 — «Подмосковье қишлоғининг бугунги ва эртанги куни». 17.45 — Концерт. 18.15 — Телеочерк. 18.45 — «Стадион ҳамма учун». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00 — «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.35—«Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.40 — Тарих. 10.00 ва 13.55 — Инглиз тили. 10.30— Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Физика. 11.35 — А. С. Пушкин. «Дубровский». 12.05— Умумий биология. 13.10—«Сен қонунни биласанми?». 14.25 — Тарих. 14.55 — «Билимимиз — қудратимиз». 15.40 — «Совет тасвирий санъати». 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Коллектив нимага қодир». 19.15 — Концерт. 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Инсон ва қонун». 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Театр афишаси олдида». 23.15 — Телевизион ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I. 18.05 — Фильм-концерт. 18.30 — «Фан уфқлари». 19.00 — «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.00 — Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залида. 20.30 — «Ахборот». 20.50 —Концерт. 21.30 — «Время». 22.05—«Дунё воқеалари». 22.35 — «Эртага— премьера». 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.15 — МТ-II. 18.10 — «Юлдузча». 18.55 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Концерт. 20.50 — «Телефильм». 21.00 — «Халқ хизматида». 21.30 — МТ-II.

10 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Буратино кўргазмаси». 10.10 — «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 11.40 — «Спортлото»нинг 50-тиражи. 11.50 — Концерт. 12.10 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.40 — Ҳайкалтарошларнинг Бутуниттифоқ кўргазмаси. 13.00 — «Сиз бунга қодирсиз». 13.45 —Концерт. 14.20 — Тележурнал. 14.50 — Ҳужжатли фильм. 15.00—«Дунё воқеалари». 15.15 — Телевизион бадиий фильмлар. 16.05 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 16.35 — «Ҳайвонот оламида». 17.35 —«Опера саҳнаси усталари». 18.30— «Ҳақиқат билан ўйнашиш». 19.40 — Телеспектакль. 21.30— «Время». 22.05 — Концерт. 23.00 — Ҳужжатли фильмлар. 23.45 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — «Тонгги почта». 10.20 — «Ҳаётга йўлланма». 11.10 — «Саёҳатчилар клуби». 12.10 — «Ватаним бахти учун». 12.30 — ОЗАРБАЙЖОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 13.50 — Саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари—1983 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 14.50 — «Нежданова уйида». 16.10 — «Олам кинокамера кўзгусида». 17.40 — «Ҳаёт уммонида». 19.10—«Мусиқали киоск». 19.45 — «Здоровье». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45—«Халқаро обзор». 21.00 — Сув полоси бўйича СССР кубоги. Финал. 21.30—«Время». 22.05 — «Уч бўйдоқ яшарди». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Музикали программа. 10.50 — «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 1-серия. 12.00 — «Жанговар постда». 12.45 —Телевизион миниатюралар театри. 13.30 — «Светофор». 14.30 — «Замандас». 18.05 — «Туғилган кун». 18.20 — «Қўшиғим, жон, қўшиғим». 19.00 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 —«Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Танни Морандн». Видеофильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МТ-I. 9.00—«Время». 9.40 — «Будильник». 10.10 — «Чашмалар». 10.35 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.35— «Здоровье». 12.20 — «Тонгги почта». 12.50 — «Совет тупроғидаги учрашувлар». 13.05 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.05— «Музикали киоск». 14.35 — Фильм-спектакль. 17.20 — «Хатларингиз асосида». 18.05 — Мультфильм. 18.30 — «Халқаро панорама». 19.15 — Концерт. 19.25 — «Саёҳатчилар клуби». 20.25 — «Сеҳрли куч». Телевизион бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05—«Дунё ва ёшлар». 22.40 — Концерт. 23.25 — Ҳужжатли фильм. 23.45 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00—«Зарядкага сафланинг!». 9.40 —Концерт. 10.05 — Ҳужжатли фильмлар. 11.00 — Концерт. 12.00 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 13.00 — «Асли болаликдан». 13.30 — Фильм-балет. 14.00 — «Олам кинокамера кўзгусида». 15.00 — «Кодралар таронаси». 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.30 — «Москвичка». 18.00 — «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 19.05 — «Инсон — замин соҳиби». 20.05 — Сув полоси бўйича СССР кубоги. Финал. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 — Илмий-оммабоп фильм. 21.00 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 21.30— «Время». 22.05 — «Йўл чеккасида». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-серия. 11.20 — «Қувноқлар даврасида». 11.50 — Киножурнал. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.05 — «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 13.45 — Реклама. 17.55—«Мўъжизалар оламига саёҳат». 18.45 — «Цирк! Цирк! Цирк!». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бу ишнинг менга даҳли йўқ». Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ҚИЗЛАР ГУРУНГИ

Тўйтепадаги тикувчилик фабрикаси областдаги илғор саноат корхоналаридан биридир. Бу ерда тайёрланадиган болаларнинг бежирим кўйлакчалари, ички кийимлари ҳамда аёлларнинг халатлари кейинги пайтда анча харидоргир бўлиб қолди. Бунинг боиси бор, албатта. Корхонада меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Маҳсулот сифати бўйича ўтказиладиган социалистик мусобақа ғолиблари ўз вақтида рағбатлантирилади. Умуман сифат масаласи корхонадаги энг бош масалалардан бири. Бунинг учун олдиндан тузилган комплекс план асосида иш юритилади. Уни тузишда фабрика маъмурияти ишчиларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларига, маданий тадбирларга алоҳида аҳамият беради.

Яқинда корхонада ана шундай тадбирлардан бири — қизлар гурунги бўлиб ўтди. Тикувчи қиз-жувонлар Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси раисининг ўринбосари, юрист Забаржад Анорбоеванинг хотин-қизларга, айниқса, ёш болали оналарга кейинги вақтда яратилган имтиёзлар тўғрисидаги суҳбатини мароқ билан тингладилар.

— Партия ва ҳукуматимиз бизларнинг яхши ишлаб, коммунизм ишига ҳисса қўшишимиз ҳамда зиммамиздаги муҳим ва муқаддас бурч — оналик шарафини бажаришимиз учун барча имкониятларни яратиб бераяпти, — деди у. — Шундай бўлса-да, бир дақиқалик хатога йўл қўйиб, ўз келажагини, ҳаётини ҳазон қилаётган, муҳаббат йўлида адашиб, судма-суд сарсон юрган қизлар орамизда ҳамон топиляпти. Албатта, улар озчилик. Биз хотин-қизлар яратилаётган имкониятлар эвазига самарали меҳнатимиз, оналик шарафини оқлашимиз билан жавоб беришимиз лозим.

Тарих фанлари кандидати, Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти катта илмий ходими Мушарраф Қосимованинг суҳбати хотин-қизларнинг жамиятимизда тутган ўрнига бағишланди. Нодира, Увайсий оҳ-ноналаридан фарқли ўлароқ, бугунги кунда ўнлаб хотин-қизлар давлатни бошқаришда актив қатнашаётганликлари, ўз меҳнатлари билан ҳурмат ва обрў топаётганликлари ҳақидаги суҳбат кўпчиликка манзур бўлди.

Фабрика чеварлари бош врач Лола Абдурахмоновнанинг гепатит касаллиги. Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти доценти Шарофат Қамбарованинг эстетик тарбия мавзуидаги чиқишларини ҳам мамнуният билан кутиб олдилар.

Ватан ва она, садоқат ва меҳр, меҳнат ва тинчлик мавзуидаги шеърлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Гурунг охирида Тошкент модалар уйининг Нигора Муҳамедова бошлиқ бир гуруҳ ходимлари хотин-қизлар кийимларининг янги модаларини намойиш этдилар.

Гурунгда фабрика план бўлимининг бошлиғи Эмине Садатова сўзга чиқиб, қизиқарли суҳбатни уюштиришда ташкилотчилик қилган область комсомол комитетининг хотин-қизлар билан ишлаш Советига миннатдорчилик изҳор қилди. Чунки бундай мароқли учрашувлар ишчиларга маънавий завқ бағишлаб, уларни янги меҳнат зафарларига ундаши шубҳасиздир.

М. АБДУСАМАТОВА,
Ўрта Чирчиқ райони.



● ТОШКЕНТДАГИ «Узбитпластик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи илғор тажрибаларни кенг қўллаш натижасида кўплаб сифатли халқ истеъмоли моллари тайёрламоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида бу ерда 6,5 миллион сўмлик турли хил уй-рўзғор буюмлари реализация қилинди. Пландан ташқари 452 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Суратда: инженер Юлдуз Ёқубова бирлашмада тайёрланган маҳсулотларни намойиш қилмоқда. Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА

«ХАНДА» АНСАМБЛИ ИЖРОСИДА

«КУЛГИ КИРГАН УЙГА, ҚАЙҒУ КИРМАГАЙ»

(икки бўлимдан иборат сатира ва юмор эстрада томошаси)

Сценарий муаллифлари: Ҳайдарали УЗОҚОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕЕВ, Малика ШАРИПОВА, Ўсар ЮСУПОВ, Қурбонали ТИЛЛАЕВ, Насиба ЭСОНОВА, Анзиратхон ЗИЕВИДДИНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.

Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларини йиғувчи-слесарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, слесарь-электромонтажчи, токарь-револьверчи, фрезерчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг операторн ва слесарь-сантехник, газ пайвандчи, слесарь-асбобсоз, дурадгор, ОТК контролёри, автослесарь.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ,

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Зарур бўлганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишлаш учун юбориладилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделизм, бадиий ўқиш, фото-киностудия тўгараклари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см, 4 дона 4х5 см. ҳажмидаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳол.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй. (21, 30, 8, 48, 80, 72-автобусларнинг «Валихонов кўчаси» (3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари). Телефон 96-58-20.


БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

АДАБИЁТНИ БИЛАСИЗМИ?

Тўрт ва саккиз ҳарфли асарлар номлари асосида тузилган ушбу кроссворд жавоблар белгиланган хонадан бошлаб соат стрелкаси йўналишида рақам атрофига ёзиб чиқиш йўли билан ҳал этилади.

1. Ҳамид Ғулом романи. 2. Эркин Воҳидов достони. 3. Муқимийнинг лирик шеърн. 4. Ғафур Ғулом шеърларидан бири. 5. Парда Турсун романи. 6. Рус совет адибаси Г. Николаева романи. 7. Тожик адиби Ф. Ниёзийнинг икки китобдан иборат асари. 8. Назир Сафаров қиссаси. 9. Шароф Рашидов романи. 10. Иззат Султон драмаси. 11. Шарқда кенг тарқалган аҳлоқий эстетик мазмундаги машҳур асар. 12. Чехословак адиби К. Чапекнинг Ўзбекистонда саҳналаштирилган асари. 13. Ўзбек ҳалқ шоири, бахши Фозил Йўлдош ўғли достони. 14. Украин классик шоираси Леся Украинка поэмаси. 15. Драматург Л. Леонов пьесаси. 16. Уйғунинг табиат манзараларини акс эттирадиган шеъри. 17. Абдулла Қаҳҳор повести. 18. Саида Зуннунова поэмаси. 19. Ёзувчи Соҳиб Жамолнинг романи. 20. Д. Фурмоновнинг тарихий романи. 21. Саъдий Шерозий асари. 22. Рамз Бобожон поэмаси. 23. М. Шевердин асари. 24. Адиба А. Алматинская трилогияси. 25. А. Беляевнинг илмий фантастик романи. 26. Ёзувчи Жалол Икромий романи. 27. Турк адиби Р. Гунтекиннинг китоби. 28. А. П. Чеховнинг ҳазил пьесаси. 29. Ўзбек ҳалқ достони.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.



ФАРЗАНДИНГИЗ ДИЛОЗОР БЎЛМАСИН

МАЪЛУМКИ, жамиятимизда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида жавлон уриб меҳнат қиладиган, ахлоқан пок инсонларни кўпроқ кўришни истаймиз. Бундай инсонни вояга етказишда асосан оила етакчи роль ўйнайди. Лекин ҳамма оилалар ҳам инсон камолоти борасидаги ўз бурчларини ижобий ҳал этяптилар, деб бўлмайди. Ота-оналар ва тарбиячилар бутун қалб кўрини, меҳрини фарзандларига бахш этишларига қарамай нима учундир баъзи болалар дилозор, оилага зиён келтирадиган бўлиб ўсмоқдалар.

Бунинг сабаби нимада, деган ўринли саволлар пайдо бўлади. Биз ушбу мақолада шу мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Кузатишлардан олинган маълумотларнинг далолат беришича, дастлабки пайтларда болада намоён бўладиган ҳақри-қаттиқлик ҳолатларига бепарволигимиз сабаб бўлар экан. Масалан, бир ёшли қизча онаси тиззасида ўтириб, унинг соч толасидан тортиб ўйнай бошлайди. Биз бунга индамаймиз, аксинча жилмайиб қўя қоламиз. Қизча катта бўла бориши билан бу «қилиқ» онага ёқмай қолади. Унинг «бундай қилмагин» деб оғзаки айтган сўзи болага таъсир этмайди. Кузатишлар ана шундай пайтда она қўйдагича йўл тутишини тақозо этмоқда. Ҳар гал қизча сочини тортганда она ҳам унинг сочини, маълум даражада сезиларли оғрийдиган қилиб тортади. Бу ҳолатдан бола жуда ажабланади. Лекин у сочини тортса оғриши мумкинлигини жуда тез англаб олади ҳамда унинг бу одати тамомила йўқолади.

Америка олими Т. Дельгадонинг айтишича, ота-оналар бебош, ахлоқсиз боланинг хулқ-атворига ва хатти-ҳаракатига юзаки қарасалар, улар бундай қилиш билан шу турдаги одатни мустаҳкамлаб, агрессив характернинг шаклланишига имкон бераркалар. Бу характер эса келгусида бошқа вазиятларда намоён бўлиши мумкин. Тадқиқотчининг фикрича, тўрт ёшли болалар камдан-кам зўрлик қилишга мойил бўладилар. Аммо бола олти ёшга кирганида тенгқурлари билан олишиш, талашиш-тортишиш учун ўзида етарли даражада куч, эпчиллик, интилиш сезади. Олимнинг берган илмий маълумотларига кўра, бу даврда жамиятга зид бўлган хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатни салгина рағбатлантириш билан шахсда агрессивликни кучайтириб юбориш мумкин экан.

Дастлаб қараганда унчалик аҳамиятсиз нарсадек туюладиган боладаги бировга озор беришдан лаззатланиш одати тарбиячиларни дарҳол ташвишлантириши лозим. Аммо ҳар бир ота-она шу нарсани ёдида сақлаши керакки, боланинг одамларга ёки ҳайвонларга озор берувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатини бировга озор беришдан лаззатланиш хислати деб тушуниш ярамайди. Мабодо бола фойдали иш қиляпман деб ўйлаб, ўзи билмаган ҳолда капалакнинг оёқларн ва қанотларини узса, бунақа болани озор берувчи деб ўйлаш хатодир. Агар бола кучукни мушукка гиж-гижлатса, қари, касал-беморларга ёрдам беришга ҳаракат қилса, ёрдамга муҳтож болакайга ёрдам берса, бундай ҳолларда ота-она ўғлининг ёки қизининг ҳаракатларини мақтаб, рағбатлантириб, ўзларининг ота-оналик ҳиссиётларини намоён қилишлари керак.

Болаларнинг аввал кичкина, кейинчалик каттароқ шунга ўхшаш ярамас одатлари жазосиз қолиб кетса ёки янада ёмонроғи бундай хатти-ҳаракати рағбатлантирилса, у пайтда бу нарса болалар характерида инсонпарварлик билан боғлиқ бўлган ажойиб фазилатларнинг тараққий қилишига жиддий халақит бериши мумкин.

Баъзи болаларга ўзига тенг бўлган тенгдошларининг ютуқлари ва афсол томонларига солиштирган ҳолда ўзига баҳо бериш одати хосдир.

Жажжи Ақида қандайдир бирор ишни маъқулроқ бажаргани учун онаси «Ақида жуда яхши қиз», деб уни мақтайди. У шу заҳотиёқ: «Анора ёмон қиз-а?» — дейди онасига. Анора қизчанинг опаси бўлиб, у билан доимо бирга ўйнасада, онаманд кишини масхара қилса, ярамас ҳаракатлари билан бошқа кишиларнинг қалбига озор етказса, ҳақорат қилса, уларда ёқимсиз кечинмалар уйғотса, ўзи эса бу қилган хатти-ҳаракатларидан қувонса, лаззатланса, бундай бола ҳақида жиддийроқ ўйлаш зарур.

Ҳаётда шундай болалар ҳам учрайдики, улар тенгқурлари қилиб қўйган ишлар ҳақида бошқаларга чақишни яхши кўришади. Мана бундай болаларнинг чақувларини келтириб чиқараётган асосларни пайқаб олиш муҳимдир. Мабодо бола ҳаққониятни, тўғриликни тиклашга интилаётган бўлса — бу яхши. Аммо бундан бошқачароқ ҳам бўлиш мумкин. Мана бу мисолни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Равшанни озгина айби учун отаси қаттиқ жазолашини билган, у билан доим бирга ўйнайдиган Самад, агар Равшан бирор нарса қилиб қўйса, ўртоғининг отаси қаршисига пешвоз чиқиб:

— Равшанингиз-чи, Карима холанинг ойналарини коптоги билан уриб синдириб қўйди, — деб маълум қилишга биринчи бўлиб шошилади. У ғазабланган отасининг мақтовидан яхшироқ лаззатланиш учун шундай деган эди. Чунки оилага қандай яхши, тотли нарса олиб келинса, аввал Ақидага бериларди. Болалардаги бундай одатга нисбатан жуда эҳтиёт бўлиш лозим.

Меҳнатда ҳам, таълим ва кундалик олиб бориладиган тарбиявий ишларда ҳам биз доимо топшириқни ким яхши бажаради, ким ҳаммадан қизиқ эртак, топишмоқ ўйлаб топади, ҳаммадан яхшироқ рақс тушади ва ҳоказо рақобат тарзида айтиладиган гапларга таянсак яхши бўлади. Мабодо бола биринчиликни ўта зўр бериш билан олса, катта куч сарф қилиш эвазига эришган муваффақиятидан ичига сиғмай кетса, бу яхши. Агар ўртоғи бирор нарсани бунчалик нисбатан яхши қилса, бола буни кўриб қайғурса, ҳафа бўлса, унга рашки келса бу жуда ёмон. Агар у рақибининг кичкина муваффақиятсизлигини масхаралаб, кулишга мойил бўлса, уни ҳар томонлама таҳқирласа, бу эса ўта ёмондир.

Ижтимоий мавжудот бўлган одамга ўз обрўсини, яхши номини кишилар ўртасида ҳурматга сазовор бўлган мавқеини қадрлаш хислати хосдир. Биз ўз шаънимизга бўлган зарбани кўп ҳолларда оғир кечирамиз. Болаларни тарбиялашда эса буни, албатта, эътиборга олиш лозим. Болани ўртоғининг кўнглига, кайфиятига, иззат-нафсига риоя қилиш санъатига махсус ўргатиш зарур.

Бу ўринда олима Т. В. Драгуновнинг олиб борган тадқиқоти, айниқса, эътиборга лойиқ. У «мавқеини йўқотиб қўйган» болалар шахсининг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Бола теварак атрофидаги кишилар, тенгқурлари юқори баҳолашига одатланиб қолса, ҳурматини йўқотса, унда ўжарлик, сержаҳллик, такаббурлик, ҳулқ-атвор қоидаларига бўйсунишни истамаслик ва бошқа салбий ҳислатлар пайдо бўлиши мумкин, дейди у. Илмий маълумотлар ва ҳаётий кузатишлардан олинган фактларнинг далолат беришича, бола ўзининг ижобий ютуғидан чуқур, самимий лаззатланса бундай бола характерида ярамас фазилатлар учун ўрин қолмас экан.

Ҳозирги замон фани одам шахсининг шаклланишида ҳаётнинг биринчи йили муҳим роль ўйнашини чуқур очиб берди. Ҳаётнинг бу даврида кўпроқ эгилувчанлик, ҳар хил таъсирларга бериилувчанлик содир бўлади. Шунингдек, мактабгача даврда ўзлаштирилган билим ва малакалар, ҳосил қилинган характер, ҳислатлар жуда пишиқ, мустаҳкам бўлиб, бола шахсини бундан кейинги тараққиётининг пойдевори бўлиб қолади. Бу эса бола тарбиясига даҳлдор бўлган ҳар бир инсон зиммасига катта масъулият юклайди.

Р. ТЎРАХОНОВА,
психология фанлари кандидати, Д. Ушинский номли Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти психология кафедраси доценти.

ОИЛА ДАВРАСИДА

НОДИР ҚЎШИҚЛАР—АВЛОДЛАРГА

ЎЗБЕКИСТОН телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳузурида тузилган этнография ансамблининг қўшиқ ва куй фонди йилдан-йилга бойиб бормоқда. Ансамбль иштирокчилари — кекса санъаткорлар ўтмишда устозлар куйлаб келган ашулаларни ва ижро этган музикаларни лентага ёзиб олиб, келгуси авлодларга тухфа этишмоқда.

Ҳозиргача ансамбль ёзма репертуаридан халқимиз қалбига йиллар давомида ором бахш этиб келган «Ажам», «Наво», «Муножот», «Насруллон» каби ўнлаб қўшиқлар, терма, ёр-ёрлар, шунингдек, бир неча классик куйлар жой олди.

Этнография фондини бойитишда кўп йиллардан бери таниқли қўшиқчиларнинг пластинкаларини йиғиб келаётган солист Зокиржон Султонов фонотекасидан ҳам фойдаланилди. Ҳозир унинг «Музика ва овоз» кутубхонасида 2 мингдан ортиқ пластинка сақланмоқда.

С. ВАЛИЕВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● БАСКЕТБОЛ. Финал олтиликка кирган медал даъвогарлари Тбилиси шаҳрида биринчи тур ўйинларини ниҳоясига етказдилар. Маълумки, Тошкентнинг «Университет» баскетболчилари саралаш ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, финалга йўлланма олган эдилар. Тошкентликлар Тбилисида майдон эгалари — динамочиларни 111:101 ҳисобида мағлубиятга учратиб, қолган ўйинларни бой беришди.

● ВОЛЕЙБОЛ. Волгоград ва Олмаота шаҳарларида олий лига қатнашчиларининг биринчи давра ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Динамо» команда Марказий Армия спорт клубига 1:3 ҳисобида ютқазгандан сўнг, пойтахтнинг иккинчи вакили МВТУ командасини 3:0 ҳисобида енгди. «Радиотехник» команда Минск билан бўлган учрашувда эса 1:3 ҳисобида ютқазди.

● ХОККЕЙ. «Бинокор» навбатдаги учрашувларни Олмаотанинг «Енбек» командаси билан ўтказди. Биринчи ўйинда меҳмонлар 8:4 ҳисобида устун келишган бўлса, такрор учрашувда майдон эгалари 7:2 ҳисобида ғолиб келишди.

● ШАХМАТ. Жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилаётган Каспаров — Корчной ўртасидаги навбатдаги бешинчи партия дуранг бўлиб тугади.

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетига тингловчилар қабул қилинмоқда. Ўқиш икки йиллик, машғулотлар икки ҳафтада бир марта, жума кунлари кеч соат 18 да ўтказилади.

Университетга ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ва студентлар — газетага хат-хабар ёзишга иштиёқи бўлган барча касбдаги кишилар киришлари мумкин.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: иш ёки ўқиш жойидан характеристика-тавсиянома, таржимаи ҳол, 3х4 ҳажмида иккита фотосурат.

Ҳужжатлар редакция биносида (14-қават, 13-хона) қабул қилинади. Пропуск бюросидан 5354 номерли телефонга қўнғироқ қилинсин. Справка учун телефон: 325354.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00—«Время». 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.05 — Концерт. 10.35 — «Спортлото». 10.45 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.15 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб бералик». 11.45 — «Инсон, ер, коинот». 12.30 — «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телевизион конкурси. 13.20 — «Ғолиблар». 14.50 — «Болаларга нимани ишонса бўлади». 15.20 —Дунё воқеалари. 15.35 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 16.35 — «Тўрт дўстнинг ҳаёти ва саргузашти». 1- ва 2-серийлар. 17.40 —Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 19.15 — Музикали кўрсатув. 20.00 — «Ангар-18». Бадиий фильм. 21.30—«Время». 22.05 — Концерт. 23.20 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00— Эрталабки гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Концерт. 9.50 — Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. 10.35 — Ҳужжатли фильмлар. 11.10 — Тонгги почта. 11.40 — Саёҳатчилар клуби. 12.40 — ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.25 — Мультфильм. 14.45 — Халқ чолғулари садолари. 16.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 17.00 — Сиз бунга қодирсиз. 17.55 — Музикали киоск. 18.25 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15—Халқаро обзор. 19.30 —Театр афишаси олдида. 20.30 — «Туниннгиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье. 21.30 — «Время». 22.05 —Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). 23.50 — Қўшиқдан рақсга.

УзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Ҳамма нарсани билишни истайман».10.20 —«Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм. 11.55 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 12.40 — Шахмат мактаби. 13.10 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли видеофильм. 5-серия. 14.00 — «Буни ҳамма билиши ва удалаши керак». 17.45 — «Санъат гунчалари». 18.05 — «Кинокамера фош этади». 19.00—«Гўзалликни яратиш». 19.30 —Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР халқ артисти К. Раҳимов куйлайди. 21.30 — «Время». 22.05 — Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли видеофильм. 6 ва 7-серийлар.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 06586. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1728. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12